

СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ



ТАРАҚҚИЁТ ҚУРИЛИШДАН — ПОЙДЕВОР ЯРАТИШДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини жадал тараққий эттиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар давом этмоқда. Улар таркибида иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши учун асосий пойдевор ҳисобланган қурилиш соҳасига ҳам катта эътибор қаратилаётган. Қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони сўнгги йилларда ошиб бориши самарали ислохотлар натижаси сифатида намоён бўляпти. Юртимизда 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига 18 минг 618 та қурилиш корхона ва ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, улар сони 46 минг 971 тага етди.

Олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари буйича маълумотлар тезкорлик ва шаффофлик билан статистик рақамларда ҳам ўз ифодасини топяпти. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, статистика амалиётида қурилиш ишлари ҳажми — молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан турар жой ва нотурар жой бино-

лари ҳамда муҳандислик иншоотларининг янги объеклари қурилиши, реконструкция, модернизация қилиш буйича асосий, тўғридан-тўғри ва субдудрат шартномалари асосида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари киймати сифатида ҳисоб-ки-тоб қилиб борилади.

▶ Давоми 4-бетда

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР



КЎҲНА ДАРАХТ ВА УНИНГ ҲАЁТБАХШ СОЯСИ

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида II Туркий дунё адабиёти ва китоб фестивали бўлиб ўтди

Фестивалда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби туркий тили давлатлардан профессор-тадқиқотчилар, ижодкор адиблар иштирок этди.

Халқаро фестивал доирасида Озарбайжон миллий нашриётларининг китоблар ярмаркаси, янги нашрлар тақдимоти, нуфузли ижодкорларнинг дастхат кунлари ташкил

этилди. Шунингдек, тадқиқотчи олимларнинг маърузалари тингланди, шеърий чиқишлар ва куй-қўшиқлар, фильмлар намойишлари бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

АБИТУРИЕНТ ҲАМ, ТАЛАБА ҲАМ ОВОРА БЎЛМАЙДИ

Ўқишга доир ҳамма муаммо бир платформа орқали ҳал этилади



Олий, ўрта махсус, профессионал таълим ҳамда фан ва инновациялар соҳаларини рақамлаштириш жадал суръатда давом этмоқда. Хусусан, талабалар, абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-онасига “ягона дарча” тамойили асосида сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун жорий йилнинг июнь ойидан my.edu.uz ягона таълим хизматлари портали ишга туширилиши режалаштирилган.

▶ Давоми 5-бетда

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Сўзлар синонати ЖАМ БЎЛГАН ОЛТИН САНДИҚ

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” қандай мезонларга кўра нашр этилди?

“Девону луғотит турк” яратилганидан тўрт юз ўттиз йил ўтиб, туркий тил истиқболи Ҳазрат Алишер Навоийни қайғуга солади. Ҳазрат “Муҳокамат ул-луғатайн” асариде: “...турк шуаросиким, форсий тил биларангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир килурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва омийсидин донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била тақаллум қила олмаслар ва тақаллум қилгоннинг маънисин ҳам билмаслар”, дея мутаассир бўлади. Навоийдан тўрт юз йигирма йил кейин Абдурауф Фитрат тилимининг бойлиги ушбу тилдаги сўзнинг кўплиги, сўз ясалиши ва тил грамматик қоидаларининг мукаммалигида, деб таъкидлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн” ҳақида гапириб, “Навоийнинг китоби туркчаниннинг бойлигини очибгина билдира олмаса ҳам, туркчада сўз кўблигини у яхши биладир”, дейди.

▶ Давоми 6-бетда

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сониде Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудованиннг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилиняпти.

▶ 3-бетга қаранг.

КУН МАВЗУСИ

Шу кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — муддатидан илгари Президент сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловни миллий ва умумэътироф этилган халқаро нормаларга мос демократик тамойиллар асосида, эркин ва адолатли, юқори ташкилий-ҳуқуқий даражада ўтказиш учун қонуний асослар ва барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САЙЛОВ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҲО БЕРАДИ

Янги таҳрирдаги Конституциямизни қабул қилиш учун ўтказилган референдумда мамлакат тақдирига дахлдор фаол фуқаролик позициясини намоён этган халқимиз Президент сайловида ҳам муносиб танловни амалга оширишига ишончимиз комил. Демократик жараёнларнинг муҳим халқчил шакли ҳисобланган сайлов қонун талаблари доирасида ўтказилишини таъминлаш ва унда барча фуқароларнинг эмин-эркин, фаол ишти-

рок этиб, ҳолис овоз бериши учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, сайлов борасида ўтган йиллар давомида тўпланган миллий тажриба ва жаҳон ҳамжамияти тан олган сайловга оид ҳуқуқ нормалари шу йил 9 июль куни Президент сайловини муваффақиятли ўтказишга асос бўлади.

▶ Давоми 2-бетда

БИР ҲУДУД — БИР МАҲСУЛОТ

Малиначилик кластери

ВОДИЛДАН ДУНЁ БОЗОРЛАРИГА



Фарғона туманидаги Водил қишлоғида малина йиғим-терим мавсуми бошланди. Махсулотнинг бозори чаққон. Бугунги кунда бир килограмм малина улгуржи нархларда 20-35 минг сўмдан сотилмоқда. Бир сотих малиназордан ўрта ҳисобда 150-200 килограммгача ҳосил териб олинса, даромад чўгини чамалаш қийин эмас.

▶ Давоми 4-бетда

▶ Давоми 5-бетда

▶ Давоми 6-бетда

КУН МАВЗУСИ

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САЙЛОВ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҲО БЕРАДИ

Ойбек ТУРГУНОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланғич 1-бетда

Моҳиятан, сайлов ҳар қандай сиёсий-ҳуқуқий тадбир ва демократик жараён сингари муайян ғоявий талаб-қоидаларга таянади. Шу боис, сайловга оид халққаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликда уни ўтказишнинг асосий тамойиллари алоҳида эътибор қаратилади.

Сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари деганда, аввало, шу соҳадаги муҳим ғоялар тушунилиб, улар сайловнинг асл моҳиятини, табиатини, бош мақсадини, ижтимоий мазмуни ва вази-фасини очиб берувчи талаблардир. Бошқача айтганда, сайлов ҳуқуқий тамойиллари сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси-дир. Шу нуқтаи назардан, сайлов тамойиллари, бир жихатдан, муҳим аҳамиятга эга қонунчилик, билим ва кўникмалар мажмуи асоси бўлса, иккинчи томондан, сайловга оид ҳар қандай хатти-ҳаракат, ҳулқ-аъвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидаси, негизи саналади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халққаро ташкилотлар жиддий шуғулланадиган масаласига айланди. Бугунга келиб, дунёда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин, демократик, адолатли сайлов ташкил этиш ва ўтказиш соҳасининг ҳуқуқий қиёфасини акс эттирувчи 20 дан зиёд универсал халққаро ҳуқуқий ҳужжат ва стандарт ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, халққаро умумэтироф этилган сайлов стандартлари қатор халққаро ҳужжатларда ифодасини топган. Улар сирасига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халққаро пакт, Эркин ва адолатли сайловнинг мезонлари тўғрисидаги декларация ва ЕХҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжатини киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқishi, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, декларацияда эълол қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарурлиги белгиланган. Шунингдек, халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозимлиги айтилган. Бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, яъни ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловда ўз ақсини топиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз, Сайлов кодекси ва сайловга оид қонунчилик нормаларини ўрганиш асосида бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэтироф этилган халққаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ

мос келадиган миллий сайлов қонунчилиги яратилди, дейишга ҳар томонлама асослар бор.

Сайловнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, сайловда овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркини қонун билан кафолатланади. Шу боис, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш, сайловни жамоатчилик ва халққаро қузатувчилар иштирокида очик ва ошқора ўтказиш механизмлари Ўзбекистон миллий сайлов тизими демократияга асосланганининг ўзига хос сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Бунда сайлов қонунчилиги Бош қонунимизда белгиланган энг асосий конституциявий тамойил — халқ ҳокимиятичилиги, яъни халқ давлат ҳокимиятини бирдан-бир манбаидир, деган қонуннинг амалда татбиқ этилишини таъминлайди. Зеро, Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган сайлав-сайланиш ҳуқуқи давлат ва фуқаролик жамияти ривожига асосий мезонлардан биридир.

Ўзбекистонда сайловга оид 20 дан зиёд қонун тизимлаштирилиб, ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу миллий сайлов тизими ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, демократик сайлов ўтказиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Умумий сайлов ҳуқуқи тамойилининг моҳияти сайлов кўни ўн савкиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқishi, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгалигини англатади. Бунда фуқароларимиз қаерда яшаётганидан қатъи назар, сайловда иштирок этиши таъминлангани муҳим аҳамиятга эга.

Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг хоржий давлатлардаги ваколатхоналарида, даволаниш ва дам олиш муассасаларида, ҳарбий қисмларида, жазони ижро этиш манзиллари каби бошқа жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш йўли билан ҳам таъминланади.

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

уҷун сайловдан 15 кун олдин ёзма шаклда ўзига яқин жойлашган сайлов комиссиясига ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг saylov.mfa.uz расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилади. Фуқаро мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотлар уч кун ичида текширилади ҳамда сайловчилар рўйхатига киритилади.



Хориждаги сайлов комиссияси фуқаролари овоз бериш жойи ва вақти тўғрисида оғоҳлантиради. Овоз бериш сайлов участкаси жойлашган ҳудудда маҳаллий вақт билан 8:00 дан 20:00 га қадар амалга оширилади. Мамлакатимиз қонунчилигида кўра, **тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланади.** Сайлов кодексида сайловда иштирок

дан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Демак, тенг сайлов ҳуқуқи, деганда нималарни тушунамиз? Ҳар бир сайловчи бир овозга эга, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади, аёллар ва эркеклар тенг сайлов ҳуқуқига эга, ҳарбий хизматчилар бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланади, ҳеч ким сайловда бошқа шахсга нисбатан афзалликка эга эмас. Бу қоидалар тенг сайлов ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлайди.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойили овоз бериш босқичида субъектив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш соҳасига тааллуқлидир. Бундай тенгликни сақлаб қолиш учун муайян кафолатлар зарур (масалан, номзодларнинг сайлаш учун тенг ҳуқуқий имкониятларини таъминлаш ва бошқалар). Сайловчилар ўзаро тенг микдордаги овозга эга бўлиши ва улар фақат битта сайловчилик рўйхатида киритилиши керак. Номзодлар сайлов учун бир хил қонуний имкониятларга эга, шунинг учун улар қоида тарихида фақат бир жойда қатнашиши мумкин. Фуқаролар овоз бериш чоғида, шунингдек, номзодларни кўрсатиш тартибиде, сайловолди ташвиқотини ўтказишда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиш ҳам назарда тутилган.

Сайлов тизимининг демократик моҳияти сайловнинг умумий бўлишида, яъни барча фуқароларнинг сайловда иштирок этишидагина эмас, сайловнинг тенг бўлишида ҳам акс этади. Умумий ва тенг сайлов тамойиллари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири бошқасини тўлдиреди. Умумий сайлов бўлмаса, тенг сайлов ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, тенг сайлов ҳуқуқи 18 ёшга тўлган барча фуқаролар сайловда тенг шароитларда қатнашишини англатади. Бу борадаги тенглик сайлов округларини сайловчилар сонининг баробар бўлиши қоидаси асосида тузиш билан ҳам таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг ҳуқуқий шароит таъминланади. Бу, авваламбор, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқиде, айни пайтда Президентликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишда, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларни яратишда кўзга ташланади. Шу билан бирга, сайловни, номзодларнинг сайлов кампаниясини адолатли ва ошқора молиялаштириш, сайловнинг барча тадбирини расмий эълон қилиш орқали овоз бериш натижалари ҳақида тўлиқ ва тежкорлик билан хабардор қилиш, қолаверса, очик ҳамда ошқора, жамоатчилик ва халққаро қузатувчилар назорати остида фаолият юратадиган мустақил сайлов комиссиялари томонидан сайлов жараёни ташкил қилиниши ҳам адолатли сайлов гарови ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи миллий ва халққаро стандартлар билан тартибга солинган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгалиги назарда тутилган. Ўзбекистон Президентини фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Бу тамойил сайловчининг бевосита шахсан ўзи, яъни бирор-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри овоз беришини англатади. Бир кишининг номидан бошқаси овоз бериши қонунчиликка зид ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи Президент сайлови ва ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради, сайловчилар ўз номзодларига сайлов вақтида бевосита ижобий ёки қарши овоз бериши мумкин. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи кўп поғонали сайловдан фарқ қилиб, кўп поғонали сайловда пасти қилна вакиллик органи юқори поғона вакиллик органига ўз вакилларини сайлайди. Ўзбекистонда жорий этилган тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг устунлиги шундаки, бундай сайлов тартибиде

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ДЕМОКРАТИК МОҲИЯТИ САЙЛОВНИНГ УМУМИЙ БЎЛИШИДА, ЯЪНИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИДАГИНА ЭМАС, САЙЛОВНИНГ ТЕНГ БЎЛИШИДА ҲАМ АКС ЭТАДИ. УМУМИЙ ВА ТЕНГ САЙЛОВ ТАМОЙИЛЛАРИ ЎЗАРО ЧАМБАРЧАС БОГЛИҚ БЎЛИБ, БИРИ БОШҚАСINI ТЎЛДИРАДИ. УМУМИЙ САЙЛОВ БЎЛМАСА, ТЕНГ САЙЛОВ ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС.

Хориждаги сайлов участкалари Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида тузилиши мумкин. Хорижда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари сайловчилар рўйхатига кириши

этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлиши белгиланган. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайлани-

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

КЎҲНА ДАРАХТ ВА УНИНГ ҲАЁТБАХШ СОЯСИ

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида II Туркий дунё адабиёти ва китоб фестивали бўлиб ўтди

Шавкат ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бўлим бошлиғи

Бошланғич 1-бетда

10 июнь — фестивалнинг олтинчи кўни "Туркий дунёнинг тамал диёрлари" мавзусида Ўзбекистон кўни бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Давлат мадҳияси билан бошланди. Сўнг Озарбайжон Миллий илмлар академияси мухбир аззоси Кўнгил Бунёдзода, тарих фанлари доктори Эйнуллага Маддалли, фалсафа фанлари докторлари Фаик Алимакбарли ва Фузулий Қурбонов сўзга чиқиб, ўзбек адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижодининг туркий халқлар маданий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритди. Тадбирнинг кейинги босқичида Заҳирриддин Мухаммад Бобур ижоди хусусида сўз борди. Унда филология фанлари докторлари Рамиз Асқар, Яшар Қосимбейли, Турк маданияти ва мероси халққаро жамғармаси вакили Акиф Азалп

(Акиф Бағир), Озарбайжон Миллий илмлар академияси бўлим мудирини Олмос Улви Биннатова каби таниқли олимлар ўзбек адабиёти, маданияти ва санъати хусусида сўз юритди. Мирзо Бобур ижодини алоҳида эътироф этди.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам тадбирда фаол қатнашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуллов туркий халқларнинг маданий бирлиги, Бобур шахсининг туркий адабиёт ҳазинасидаги аҳамияти борасида сўз юритаркан, мамлакатларимиз дусллиги, кейинги йилларда икки халқнинг маданий алоқалари мустаҳкамлангани ва бу жараён давом этаётганини таъкидлади.

— Муштарак мақсадларимизнинг адабиёт ва китоб орқали рўёбга чиқаётгани айни мудоабодир, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг профессори Маъруфжон Йўлдошев. — Жадид боболаримиз даврида туркий адабиёт вакиллари бир-бирини таржумонсиз тўшунган. Исмомил Гафиров "Таржумон" газетасида уч лаҳжадаги маънодош сўзларни параллел қўллаш орқали бу муаммони



ҳал қилган. Мазкур ҳамкорликни бугунги адабий жараёнда ҳам, албатта, давом эттириш керак.

Сўзга чиққанлар миллий адабий қаҳрамонларимизнинг умумтўркий рамз экани, туркий маданият шаклланишида

Ўзбекистоннинг ўрни хусусида ўз мулоҳазаларини баён қилди. Санъат ва маданият институти ходимлари Шавкат Бобомуродов ва Қобил Урдишев ҳам ўзбек маданияти, адабиёти ва китоботининг туркий халқлар маданий қиёфасидаги роли борасида фикрлар билдириб, шеърлар ўқиди. Озарбайжон адабиётининг ўзбек тилига таржима қилинган китоблар, "Театр" журналининг ўзбек театр санъатига озарбайжон санъаткорларининг таъсири хусусида мақолалар чоп этилган сонларидан мезбонларга тақдим этишди.

Бадий қисмда Озарбайжон ва Ўзбекистон халқ артисти Гулянок Маммедова халқларимизнинг маданий бирлигини, адабий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, миллатларимиз дусллиги ҳақида ўзбекча ва озарбайжонча қўшиқлар кўйлади. "Маммедованинг ўзбек тилидаги қўшиқлари фестивал иштирокчиларини бефарқ қолдирмади, санъаткор сахнадан китобхоналар ёнига тушиб кўйлади, мухлислар кўларини кўтариб, жўр бўлиб рақсга тушди. Гулянок Маммедованинг ҳар бир қўшиғи тадбир иштирокчиларини томонидан катта иштиёқ ва қарсақлар билан қўтиб олди", деб ёзди Озарбайжоннинг нуфузли нашрларидан бири "Bizim.media". Шунингдек, нашр ўзбек ва озарбайжон халқларининг бирдамлиги, туркий халқларнинг дугона алоқалари мустаҳкамланишида бу каби фестивалларнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

давлат ҳокимиятининг ҳамма сайланадиган органлари бевосита халқнинг вакиллик органлари ҳисобланади. Бу тартиб сайловчилар билан вакиллик органлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, вакиллик органлари фаолиятини сайловчилар томонидан яхшироқ кузатиб боришга имконият яратеди.

Яширин овоз бериш тамойили халққаро миқёсдаги сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятларидан бўлиб, ЕХҲТнинг тегишли ҳужжатиде яширин овоз бериш йўли билан ёки унга тенглаштирилган эркин овоз бериш тартибиде сайловчиларнинг ўз вакилларини танлашда фикрини эркин ифода этишини таъминлайдиган шароитларда ўтказиладиган эркин сайловни ташкил этиш назарда тутилган. Бу тамойил мазмунига кўра, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчилар хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Сайловнинг шаффофлиги ва очиклигини, фуқаролар сайлов ҳуқуқи эркинлиги, овоз беришининг яширинлигини таъминлаш сайловга оид халққаро стандартларнинг энг муҳим принципларидандир.

Сайловда овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Учаска сайлов комиссиялари овоз беришини махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдириш имконини яратеди. Бунинг учун сайлов участкасида сайлов бюллетенларини тўлдиритиш учун алоҳида хона ёки кабина бўлади. Кабинада овоз бераётган шахсдан бошқа бирор кимсанинг, шу жумладан, сайлов комиссияси аъзоларининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни сайлов қўтисига сайловчининг ўзи ташлайди.

Сайлов эркин ўтишида сиёсий партия ваколатли вакилнинг ҳуқуқлари кенгайтирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда ваколатли вакил сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдиритилганини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Партиялар сайлов кўни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда аввалги қонунлар бўйича фақат биттадан қузатувчи бериши мумкин бўлган бўлса, Сайлов кодексида бу чеклов чиқариб ташланди. Бу ҳам очиклик, ошқоралик, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Президент сайлови халққаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган адолат, очиклик, ошқоралик ва эркинлик каби демократик тамойилларга асосан кўтаринки рўйда ўтиши учун барчамиз масъулмиз. Зеро, бу муҳим сиёсий-ҳуқуқий тадбир юртимиз келажиги, ҳар биримизнинг эртанги кўни ва фаровон ҳаётимиз кафолатидир.



Ўзбекистон кўнига бағишланган тадбирлар доирасида иштирокчиларга қўшиқ ва рақслар, долзарб мавзулардаги маърузалар кун давомида тақдим этилди. Бундан ташқари, Халё Ризонинг инсон жасорати бағишланган "Мая" ҳужжатли фильмининг премьерасидан сўнг фильм ижодкорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

“Фестиваль якунида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуллов ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг профессори Маъруфжон Йўлдошевга турк дунёси маданияти ва санъати ривожига қўшган хиссаси учун халққаро ТУРКСОЙ ташкилотининг Низомий Ганжавий мунуфоти топириди.

II Туркий дунё адабиёти ва китоб фестивалининг Ўзбекистон кўни юқори савида, кизгин ижодий муҳитда кеңди. Дарҳақиқат, туркий адабиёт бир илдиждан сув ичган улкан дароҳт. Бу дароҳт бақувват шохлардан, ўзбек, қозоқ, турк, озарбайжон, туркман, киргиз каби мустаҳкам бутуқлардан таркиб топган. Бу дароҳтининг ҳаётбахш сояси эса кизгин дунёни ҳовуридан туширишга, яхшилик, эзгулик, инсонийлик йўлига бошлашга қодир. Бунини ифода этишда шундай йиғинларнинг, шу каби халққаро фестивалларнинг ўрни беқиёс.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Хуқуқий давлат қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига таянадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдиган давлатдир. Хуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири шуки, унда инсон олий қадрият ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, хуқуқий давлат — демократиянинг ажралмас белгиси.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудова ўз сайловолди дастурида бу борада қатор ташаббусларни илгари сурган.

Номзод дастуридаги суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало, юртимизда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самардорлигига эришишга қаратилган.

Шунингдек, номзод дастурида суд жараёнида **томонларнинг чинакам тенглиги ва тортишув тамойиллини рўёбга чиқариш**, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадлари ҳам кўзда тутилган.

Мазкур устувор мақсадларни рўёбга чиқаришда эса судьялар зиммасига ниҳоятда муҳим — одил судловни Конституция ва қонунлардан ҳамда адолат тамойилидан оғишмай амалга ошириш вазифаси юқлатилади. Зеро, айнан суд-ҳуқуқ тизими жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлиги учун масъулдир.

Яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасини шакллантириш жараёнида ҳам халқимиз алоҳида фаоллик кўрсатиб, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид қатор ташаббусларни билдирди. Яқинда эса, ушбу тақлифлар янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топи ва халқимиз уни қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат мўжассам. Чунки адолатли жамият, демократик, хуқуқий давлат қуриши ўз олдига мақсад қилган халқ борки, ўз Конституциясида инсон шайни ва қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча қадриятлардан устун қўйишга интилади.

Жумладан, янгилашган Конституцияда илк бор Ўзбекистон Республикаси хуқуқий давлатидир, деган қоида ўз инфодасини топти. Бунинг яққол тасдиғи сифатида Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар **3 баробар ошди**.

Бу эса бош вазифамиз барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш бўлиши зарурлигини аналтади. Негаки, қонун устувор бўлган жамиятдагина инсон ҳуқуқлари тўлақонли таъминланади, тинчлик ва оқойишлик ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига ва келажаққа ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Эндилдиқдаги вазифа янги таҳрирдаги Конституция қоидаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни тараққиёт мақсадларига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органлари фаолиятини янги конституциявий-хуқуқий шартларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституциясини руҳини яққол ҳис этишини амалда таъминлашдан иборат.

Демак, мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими янгилаб бориши замон талабларига мос равишда доимий эътибор, диққат ва изчил ислохотларни талаб этадиган улуғвиз жараён. Шу нукта назардан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робахон Маҳмудованинг сайловолди дастурида **“Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришининг муҳим шартли”** тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоидага айлантириш госяни илгари сурилган. Чунки номзод кўп йиллар суд тизимиде фаолият юритаётган тажрибали раҳбар-мутахассис сифатида бу борада муаммоларни чуқур англаган.

Номзод инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишининг муҳим шартли — судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш тақлифини илгари сурди.



Бундан кўзланган мақсад, аввало, Асосий қонунимизда судларга оид кафолатларни ҳаётга таъбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Ҳозир судьяларимиз халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти юзасидан берган ахборотлари давомида ўзлари чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритилган бўлган ва ниҳоясига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилиниши ҳолатлари ҳам учрайди.

Янгилашган Конституциямизнинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этиши ҳокимиятидан, сиёсий партиалардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, **136-моддасида** судьялар ҳисобдор бўлмағлиги қатъий белгилаб, уларнинг фаолиятига аралашиб омиллари конституциявий даражада бартараф этилди.

Судьялар сонини ошириш, уларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, **оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга** оид низолат бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалалари номзоднинг диққат марказида бўлади.

Бугунги кунда иш ҳажми кўпчилиги нукта назаридан судьялар “вақт босими” остида бўлиб, айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча озаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказиб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Масаланинг долзарблиги куйидаги рақамларда яққол кўринади. Хусусан, ҳар **100 минг** аҳолига судьялар сони **Германияда 24, Россияда 18, Ўзбекистонда эса 3,7 нафарни** ташкил этмоқда. Бу муаммонинг ечимини судьялар сонини босқичма-босқич оширишдир. Ҳозир шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ҳаётий-ижтимоий барча жабҳаларда қўллаб қўлланар қабул қилинмоқда. Бундай вазиятда юқори билимли ва катта тажрибага эга ҳар қандай хуқуқшунос ҳам қабул қилинаётган қонунларни мукамал ўзлаштириб, қамраб олиши мушкул.

Шу боис, судьялар ресурсидан оқилана фойдаланиш учун **уларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини** кенгайтириш ҳам зарур бўлади.

Хорижий тажрибага мурожаат этсак, оилавий судлар **АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда** самарали фаолият кўрсатмоқда. 2022 йилда мамлакатимизда **58 мингдан ортққ** солиқ, **40 мингдан ортққ** оилавий низолат, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятда қонун асосида яшаш кундалиқ ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашимиз шарт.

Дастурда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдан **“узоқ туриш”** стереотипини тубдан ўзгартиришимиз лозимлиги госяни илгари сурилган. Шундай таваққур шакллантирилиши керакки, токи ҳар қандай инсон бирор ҳуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлса, лоқайд бўлиб, уни кўрмаган олмасдан, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга **хабар қилиш унинг фуқаролик бурчи эканини** англаши лозим.

Бунинг учун ҳуқуқбузарликка гувоҳ бўлган одамни суд ва тергов органларига овра қилиб қайта-қайта чиқаравермасдан, замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, фуқароларнинг одил судловга қўллаш-қўллаш рағбатлантириш каби усуллардан фойдаланиш тақлиф этилмоқда.

Шу боис, **Президентликка номзод Робахон Маҳмудова суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш**, хусусан, улар фаолиятидаги ҳали-ҳануз сақланиб қолаётган айрим эскича ёндашувларни бартараф қилиш, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, жазолаш таваққуридан адолат, тенглик, эркинлик госяларига ўтиш зарур, деб ҳисоблайди.

Янгилашган Конституциямизда ҳеч қим **суд қарорисиз 48 соатдан ортққ** ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди ва ҳаракатланиш эркинлигини чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйиш қоидаси мустаҳкамланди. Демак, тергов органи ҳар қандай ҳолатда шахсни **48 соатдан ортққ** ушлашга ҳақли эмас. Агар ушлаш зарурати бўлса, унда фақат суднинг қарори зарур бўлади. Бу конституциявий талаб ҳар бир инсоннинг шахсий дахл-сизлик ҳуқуқининг кафолатидир.

Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни **“суқут сақлаш”** ҳуқуқи биринчи марта Конституциямизда алоҳида мустаҳкамланди. Номзод Асосий қонунимизга киритилган ушбу илгор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан таъбиқ этиш тарафдори. Мамлакатимизда конституциявий меъриларга қатъий амал қилиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини кучайтиришга бирламчи эътибор қаратиш керак бўлади.

Ушбу йўналишда, аввало, ҳар бир мансабдор шахс, ҳокимият вақили, жумладан, **терговчи, прокурор, судьяларнинг** билим ва малакасини ошириш муҳим саналади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ишончли ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёсдир. Янгилашган Конституцияга **адвокатура бўйича алоҳида боб** киритилиши орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим кадам бўлди. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса — унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди.

Шу билан бирга, **2023 йил 1 январь** ҳолатида Ўзбекистонда **4577** адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, салкам **8 минг** аҳолига **1 нафар** адвокат тўғри қилиниши аналтади. Ҳолбуки, бир адвокатга **Исроилда**

136, АҚШда 260, Германияда 500 аҳоли тўғри келади.

Табиики, қўлчилик ҳимоячи деб атайдиган адвокатсиз одил судловни таъминлаб бўлмайди. Тарафлар процессуал имкониятлари тенг бўлгандагина чинакам тортишув вужудга келади. Шу боис, **суд процессида адвокатнинг мавқеи прокурор билан тенг** бўлиши, адвокат томонидан келтирилган ваъдани ва далиллар суд муҳокамаси эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Айни пайтда адвокатура институтини ривожлантириш сари яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқичма-босқич кучайтириб бориб, асосан, тарафлар ўртасидаги баҳсни кучайтириш каби

фаолиятида, таълим ва соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларда коррупцияга барҳам беришдир.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига **“тоза қўллар”** сиёсатини синдириш қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги муҳим вазифадир.

Президентликка номзод Робахон Маҳмудова ҳуқуқат аъзоси бўлган ижро этиши ҳокимият органи раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича, биринчи навбатда, ўзи жавоб берадиган тизим жорий қилинишини қўллаб-қувватлайди.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчидир. Ушбу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилад ва кенг оммага етказиб борасида самарали тарғибот ишлари ташкил этилади.

Албатта, жамиятда бошқарув мукамал бўлса, тараққиёт ва юксалиш кафолатланган бўлади. Давлат бошқаруви қанчалик аниқ ва ҳатосиз ишлайдиган механизм бўлса, халқ шўнчалик фаровон ва муносиб ҳаёт кечиради. Шу нукта назардан, давлат бошқаруви доимо янгилашиб боруви, замон талабларига монанд тизим бўлиши керак. Юқориде қайд этилгандек, номзоднинг сайловолди дастурида **давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш** юзасидан қатор тақлифлар ўрин олган.

Жумладан, маҳаллий кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан **ишончсизлик** билдириш ҳуқуқини бериш тақлиф этилган. Сунгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлашда маҳаллий кенгашларга қатор ваколатлар берилди. Хусусан, ижро ҳокимиятининг маҳаллий кенгашлар олдидеги ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби

дан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мавжуд муаммолардан яқиндан хабардор бўлиш, аниқланган муаммолар ечимини парламент имконияти ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда таъминлаш ҳамда мулоқотлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар асосида қонунчиликдаги **“оқ доғларни”** бартараф этиш имкониятига эга бўлади.

Номзоднинг парламент кўмиталарининг раиси ва раис ўринбосари **бир партиядан бўлишини тақлиф** ташаббуси ҳам кун тартибидеги муҳим масалалардан бири саналади.

Парламент кўмиталари раиси ҳамда ўринбосарларининг айнан битта партия фракциясидан шакллантирилиши тақлиқлаш келгусида бошқа партия фракцияларининг парламент ишига, хусусан, турли соҳалар, йўналишлар бўйича қонун ижодкорлиги, парламент назоратига оқилана таъсирини оширишга сабаб бўлади.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида давлат бошқарувида **очиклик ва шаффофликни таъминлаш**, унда фуқаролар иштирокини кенгайтиришининг замонавий ва самарали усулларини жорий қилиш тарафдорлиги эканини маълум қилган.

Бу борада адолатли жамият ва хуқуқий давлат қуришининг барча жабҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун **жамоатчилик назоратини кучайтириш** катта аҳамият касб этади. Бундай назоратни ташкил қилишда сиёсий партиалар, жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Асосий шиори **“Адолатли келажакни танлаймиз!”** бўлган номзод инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун янги имкониятларни очиб тарафдори. Шунингдек, яна қатор чора-тадбирларни амалга ошириш жамиятда демократия ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Жумладан:

- тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатлар юқлайдиган барча қоридалар фақат қонунлар орқали қабул қилинишига эришиш;
- қонунларни тўғридан-тўғри ишлайдиган механизм билан биргаликда қабул қилиш, бу борада парламент кўмиталари ишини кучайтириш;
- тадбиркорлик субъектлари ишига аралашмаслик, уларга оид масалаларни ижро органларидан талаб қилиш юзасидан парламент назоратини амалга ошириш.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланладиган хуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципа асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши лозимлиги янгилашган Конституциямизнинг 20-моддасида муҳим қоида сифатида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Яъни давлат инсоннинг бирор ҳаракати учун жарима ёки бошқа хуқуқий таъсир чорасини белгиламоқчи бўлса, мазкур принципга амал қилиши лозим. Кам аҳамиятли қилиш учун унга мутаносиб бўлмаган оғир жазо чорасини белгилаш мумкин эмас.

Мутаносиблик билан боғлиқ нормалар қўллаб давлатлар конституцияларида белгиланган ва кўп мамлакатларнинг миллий суд амалиётида қўлланлади. Бу тамойил **Марказий ва Шарқий Европанинг** деярли барча давлатида, шунингдек, **Лотин Америкаси мамлакатлари, Австралия ва Янги Зеландия, Жанубий Корея** каби давлатларда ҳам мавжуд.

“Адолат” СДП номзоди ўз олдига қориде қайд этилган эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олган. Улар адолатли жамият ва хуқуқий давлат қуриш — ижтимоий ислохотларнинг самардорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгандир.

Ишончсизлик, номзоднинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркин ва адолатли жамиятда, тинчлик ва фаровонликда яшашига ҳақлидир!

Адолатли жамият ва хуқуқий давлатни биргаликда қураимиз!

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

““ **ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД РОБАХОН МАҲМУДОВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТўЛИҚ ХАТЛОВДАН ўТКАЗИЛИБ, ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ТАРАФДОРИ. ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН УШБУ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАН ШТАТЛАР СОНИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ТАШАББУСИ ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.**

ва улар келтириладиган далилларни баҳолашга кўпроқ уруғ бериши керак.

“Адолат” социал-демократик партиясидан **Президентликка номзоднинг** сайловолди дастурида **адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш** йўлидан бориш зарурлиги қайд этилган. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашишунини янада яхшилаш чораларини кўриш лозимлигига эътибор қаратилган.

Дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, **биринчи мартада ёки қўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш** тақлиф этилган. Чунки ҳудудларда нотариуслар фаолиятининг вақтинча тўхтатиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли оврагарчиликларга дуч келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, **номзод коррупциядан холи жамият йўлида халқимиз билан биргаликда курашиш давом эттиришимиз** лозим, деб ҳисоблайди. Мақсад давлат бошқарувининг барча соҳаларида, жумладан, суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорала-

ваколатлар шулар жумласидандир.

Номзод ўз дастурида илгари суралган ҳокимларга нисбатан **ишончсизлик** билдириш ҳуқуқини маҳаллий Кенгашларга берилиши эса, келажакда ҳокимларнинг ўзларига юқлатилган вазифани масъулият билан, ҳисобдорликни ҳис этган ҳолда бажаришини ва шу билан бирга, ҳокимиятларнинг ўзaro тийиб туриш механизмининг тўлақонли таъбиқ этилишини таъминлайди.

Президентликка номзод Робахон Маҳмудова **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши** тарафдори. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали ва оқилана фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағлар ҳисобидан молиялаштиришнинг шатлар сонини мақбуллаштириш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Номзоднинг халқ вакиллари ваколатини кенгайтиришга оид яна бир ташаббуси — депутатлар иш вақтининг ярмини ўз сайловчилари билан мулоқотда ўтказишини белгиловчи тартибни жорий этиш тақлифидир.

Ушбу ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши келгусида халқ билан мулоқот қилиш тизимининг янги бир механизми шаклланишига олиб келади. Зеро, ўз сайловчилари билан кўпроқ мулоқот қилган халқ вакиллари, жумла-

СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ

ТАРАҚҚИЁТ ҚУРИЛИШДАН — ПОЙДЕВОР ЯРАТИШДАН БОШЛАНАДИ

Жавлон СОИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари



Бошланғичи 1-бетада

Статистик рақамларга эътибор қараганда булсак, қурилиш ишлари ҳажми 2010 йилда 8 триллион 245,8 миллиард сўм, 2015 йилда 25 триллион 423,1 миллиард сўм, 2020 йилда 88 триллион 130,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, 130 триллион 767,1 миллиард сўмга етди. Иллар бўйича таҳлил қилинганда, қурилиш ишлари ҳажми йилга ўртача 10 триллион 210,1 миллиард сўмдан кўпайиб борганини кўриш мумкин.

Йилга келиб 6,7 фоизга кўтарилгани эътиборни тортади. 2023 йилнинг январь-апрель ойларида Ўзбекистонда 41,7 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Унинг ҳажми 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 фоизга ошган.

Худудлар кесимида қурилиш фаолияти таҳлил қилинганда, яратилган инфратузилмалар, аҳоли сони ва талабнинг юқориликдан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳрида энг кўп қурилиш ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. 2023 йил 1 январь ҳолатига улар республикада фаолият юритаётган жами қурилиш ташкилотларининг 20,5 фоизини ёки 9 минг 584 тани ташкил этган. Улар томонидан 2022 йилда бажарилган бунёдкорлик ишлари ҳажми эса мамлакатимиздаги жами қурилиш ишларининг 24,4 фоизига тенг бўлган.

Ундан кейинги ўринда Тошкент вилояти туради. Мазкур ҳудудда республиканинг 8,8 фоиз ёки 4 минг 108 та қурилиш корхона ва ташкилотлари фаолият юритиб, улар томонидан республиканинг 9,3 фоиз қурилиш ишлари бажарилган. Қолган ҳудудларда қурилиш корхона ва ташкилотлари улуши 3,6 дан 8,4 фоизгачани ташкил этиб, бажарилган бунёдкорлик ишлари ҳиссаси

2,5 дан 6,7 фоиз оралиқни қамраб олган.


2023 йилнинг дастлабки тўрт ойида амалга оширилган жами қурилиш ишлари ҳажмида Тошкент шаҳри (23,9 фоиз) ва Тошкент вилояти (9,3 фоиз) пешқадамлик қилган бўлса, кейинги ўринларни Фарғона (6,4 фоиз), Самарқанд (6,1 фоиз) ва Қашқадарь (6 фоиз) вилоятлари эгаллаган.

Қурилиш ишлари аҳоли сонининг ўзгариши билан қиёсланса, 2010 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган бунёдкорлик ишлари ҳажми 288,7 минг сўмга тенг бўлса, 2022 йилга келиб, у 3 миллион 668,3 минг сўмга етган. Унинг реал ўсиши 2022 йилда 6,6 фоизга ошди. Мазкур йилдаги ҳажм 2010 йилга нисбатан реал ўсиш суръати 4 мар-

ҳолатини яхшилашга катта уруғ берилаётганидан далolatдор. Бундай жараён ривожланаётган давлатларга хос ҳолат ҳисобланади.

Янги қурилишлар натижасида барпо этилаётган барча тармоқдаги объектлар мамлакатимиз ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Бунда ижтимоий соҳа объектлари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, аҳоли сонининг ўсиб бориши тенденциясига эга бўлган юртимизда аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда мамлакатимиз бўйича 2022 йилда жами 75,9 минг хонадонга мўлжалланган 14189 минг квадрат метр турар жойлар фойдаланишга топширилди. Маълумот учун, 2010 йилда 75,2 минг хонадонга мўл-

Ялпи ички маҳсулотада қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймат улуши




та, 2015 йилга нисбатан эса 2 марта ортди.

Яна бир эътиборли жиҳати, қурилиш ишларининг асосий қисми янги объектларни барпо этишга қаратилгани билан ажралиб туради. Республика бўйича бунёдкорлик ишларидаги янги қурилишларнинг улуши йиллар давомида 70-80 фоиз атрофида бўлиб келмоқда. Бу эса иқтисодий ривожланишида, энг аввало, янги қувватлар, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга инфратузилмалар, объектларни барпо этиш орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга, мамлакат ижтимоий

жалланган 8859,2 минг квадрат метр, 2015 йилда 88,2 минг хонадонга мўлжалланган 12052,7 минг квадрат метр ва 2020 йилда 86,3 минг хонадонга мўлжалланган 12867,9 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилган эди. Умуман олганда, сўнгги 10 йилда жами 994,2 минг хонадонга мўлжалланган 137323,4 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилган.

Турар жойлар барпо этиш бўйича 2022 йилда Наманган вилояти етакчилик қилди. Худудда 10,2 минг хонадонга мўлжалланган 1399,8 минг квадрат

Қурилиш ишларининг ўсиш суръатлари (фоизда)



метр турар жой қад ростилади. Шунингдек, Тошкент (7,6 минг хонадонга мўлжалланган 1593,2 минг квадрат метр) ва Сурхондарь (7,4 минг хонадонга мўлжалланган 1289,2 минг квадрат метр) вилоятларида ҳам нисбатан баланд кўрсаткичлар қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли бўлган объектлардаги касалхона ва поликлиникалар бўйича таҳлил қиландиган бўлса, охириги 10 йилда жами 79 минг 427 ўринга мўлжалланган касалхоналар ҳамда 114 минг 936 қатновга мўлжалланган поликлиникалар фойдаланишга топширилган. Коммунал хўжалиги бўйича охириги 10 йилда 37 минг 577,5 километр узунликдаги сув қуурлари ва 3 минг 409,1 километр узунликдаги газ тармоқлари тортилган.

Мамлакатимизда бир вақтнинг ўзига бошланган энг йирик қурилиш бу Тошкент шаҳридаги "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик марказининг бунёд этилаётганидир. Унинг майдони 80 гектар бўлиб, унда бизнес, турар жой ва кўнглиночар биноларни ўз ичига олувчи ишбилармонлик ҳудуди яратилмоқда. Шунингдек, юртимизнинг туристик салоҳияти юқорилиги сабабли ушбу йўналишда ҳам кенг кўламли қурилиш олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу жиҳатдан Самарқанд вилоятидаги Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали, Имом Бухорий мажмуаси ҳамда "Silk road Samarkand" туристик марказининг қурилиши эътиборга молик. Биргина "Silk road Samarkand" туристик маркази мажмуасидаги хотеллар, халқаро конгресс маркази, "Боқий шаҳар" мажмуаси турли халқаро анжуманлар ўтказиш, хоржилик ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилишга катта ўрин тутди.

Нефть ва газ, энергетика, кимё ва тоғ-кон саноатларида амалга оширилган йирик лойиҳалардан Сурғил конларини ўзлаштириш билан унинг асосида Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши, Қандим конлари, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш ва замонавий газни қайта ишлаш заводининг барпо этилиши, Ўзбекистон — Хитой газ тармоғи, Ангрэн — Поп темир йўл линия-

си, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан асосида суьюттирилган синтетик ёқилги ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ва бошқа кўпплаб шундай ишосотлар, цемент ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш заводларини мисол сифатида келтириш мумкин. Уларнинг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшмоқда.


Мухтасар айтганда, ҳозирги кунда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари келажакда кўп тармоқли иқтисодий ривожлантиришда индикатор вазифасини бажаради. Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш бугунги куннинг устувор вазифасига айланиб бормоқда.

Гап қурилиш соҳасидаги бунёдкорлик ишлари таҳлили ҳақида борар экан, микдорий ривожланишдан сифат жиҳатидан тараққийга ўтишда бир қатор муҳим жиҳатларга эътибор бериш лозим бўлади. Жумладан, биринчидан, бизнес муҳитини яхшилаш, инвесторлар учун янада кенг имкониятлар ва жозибдорликни яратишга қаратилган ишосотларни кенгайтириш, иккинчидан эса ишбилармонлик фаолияти, шу жумладан, қурилиш фаолиятини олиб бориш учун республиканинг барча ҳудудларида инфратузилмаларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш талаб этилади.

Шунингдек, қурилиш ишларида сифат меъёрига риоя этилишини назорат қилишни янада яхшилаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ҳамда уларнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, бундан ташқари, қурилиш ишлари сифатини ошириш зарур.

Зеро, ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий фаолият қурилишдан бошланади, айниқса, ривожланаётган давлатларда бу яққол намоён бўлади.

Қурилиш ишлари ҳажми динамикаси (миллиард сўм)



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

БИР ҲУДУД — БИР МАҲСУЛОТ

Малиначилик кластери ВОДИЛДАН ДУНЁ БОЗОРЛАРИГА

Туманда малина етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш кундан-кунга ривожланмоқда. Шу кунга қадар бу йўналишда 3 та малиначилик кластери ташкил этилди. Улар ташаббуси билан Қизилқўрғон массивида 300 гектардан ортқ самарасиз боғлар ўрнида янги малиназорлар ташкил этилди.

Бошланғичи 1-бетада

Айтишларича, кўҳна қишлоқ деҳқончилик маданиятига бу ноёб ва фойдали экин тури кириб келганига етмиш йилдан ошган. Эмишки, водиллик йилгит Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг уйига қайтаётган ўзи билан унинг кўчатини олиб келган.

Усимлик салқин ҳаво ва нам тупроқда яхши ривожланади. Шу боис, сўлим Водилнинг мусавфо ҳавоси ушбу экин тури ривожланиб, оммалаштиришда ўзига хос ўринга эга.

Малина нафақат мазада таъми, мўмай даромад манбаи, балки шифобахш хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Унинг меваси иммунитетни мустаҳкамлашда ёрдам беради, кекасийини секинлаштиради, ёлғарни эритади, овқат ҳазм қилишни меъёрлаштиради, шамоллаш, саратон юзага келишининг олдини олади, қондаги қанд миқдорини назорат қилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бугунги кунда туманининг 15 та маҳалла фуқаролар йиғинида 4,2 минг хонадонда 184 гектар томорқа малиначиликка ихтисослаштирилган. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нарх барқарорлигини таъминлаш ҳамда агар соҳада аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали улар даромадини ошириш, "Бир ҳудуд — бир маҳсулот" тамойили асосида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги даст хосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳолига узоқ бўлмаган ҳудудларда 520 нафар ишсиз фуқарога очиқ аукцион савдолари асосида ажратилган 250 гектар ер

Биринчи ҳосилнинг ўзидан 20 миллион сўмдан ортқ даромад олишни кўзлаб турибмиз, — дейди йиғинтерим билан андармон бўлаётган томорқачи. — Килосини 35 минг сўмгача чорак асрдан ошди. Томорқасидаги 4 сотих малиназордан ҳар йили икки марта ҳосил олади.

маҳаллий ўғит билан озиқлантириш, сувга қондириш мавсумининг муҳим амалларидан. Ойламиздаги тинчлик-тотувлик, فايзу барака ана шу меҳнат ва изланишларимиз самараси.

"Дилқушод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 425 дан ортқ аҳоли томорқасидаги 4 гектар ерда малина етиштирилади. Кейинги йилларда бу еш амалларини оммалаштириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорда харидоригр маҳсулот турларини етказиб беришга эътибор ошди. Шу мақсадда томорқасида малина етиштириш ташаббуси билан чикқан 18 нафар фуқарога 473 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари берилди.

Худудимизга яқин бўлган, ҳосилдорлиги паст, пахта ва ғалладан қисқарган экин майдонлари "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда ишсиз аҳоли қатламига 10 сотихдан 15 сотихгача 30 йил муддатга ижара асосида малиначилик йўналишида деҳқон хўжалиғи ташкил этиш учун ажратиб берилди. Бу нафақат малина, балки кўчатлар оралиғида бошқа савзавот экинлари экиб, қўшимча даромад олиш имкониятини бермоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, тумандаги 4 минг 200 та хонадон ва деҳқон хўжаликларидан бог қатор оралидан биринчи мавсумда 1200 тонна ҳосил йилиб олиш кўзда тутилган. Маҳсулотнинг 480 тоннасини Қозоғистон, Россия, Туркия, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилиш,


қолган қисмини ички бозорга етказиб бериш режалаштирилган. Кузги мавсумда эса ўрта ҳисобда 1000 тоннадан ортқ маҳсулот экспортга йўналтирилади.

Туманда малина етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш кундан-кунга ривожланмоқда. Шу кунга қадар бу йўналишда 3 та малиначилик кластери ташкил этилди. Улар ташаббуси билан Қизилқўрғон массивида 300 гектардан ортқ самарасиз боғлар ўрнида янги малиназорлар ташкил этилди.

Бунинг ҳисобига ҳар йили 30 тоннадан ортқ ҳосил олиш имконияти яратилди, — дейди "Ал-Водил" кластер хўжалиги раҳбари Насибулло Расулов. — Шу кунга қадар Беларусдан маданиялаштирилган ўн минг туп кўчат олиб келинди. Бу навлар серҳосил, меваси йирик ва қаттиқ, узоқ вақт ўз хусусиятини йўқотмаслиғи билан ажралиб туради. Маҳсулотни сақлаш учун сиғими 300 тонна бўлган музлаткич қуриб, ишга туширдиқ. Бу истеъмол бозорига йил давомида шифобахш маҳсулот етказиб бериш имкониятини беради.

Сирасини айтганда, Фарғона туманида қўлоч ёйган "Бир ҳудуд — бир маҳсулот" тамойилига кўра, яна 15 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 7,5 минг хонадонда 355 гектар томорқа майдонлари малиначиликка ихтисослаштирилади.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ХАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

Оддий уй бекасининг ҳақиқати:

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БИЛАН ТОПИЛГАН ДАРОМАДНИНГ БАРАКАСИ БОР”

Яқинда тоғамнинг қишлоғига йўлим тушди. Кун қизигандан-қизиб келяпти. Таксидан тушибок, “Муздек айрон” деб ёзилган салқингина манзилга кирганда, шу ерда ўтирган нурунийларнинг суҳбати беҳос қўлогимга чалинди. Улардан бири: “Бир эмас, ўн эркакнинг меҳнатини қиляпти”, деб кимнидир мақтаяпти. Яна бири давом этади: “Ха-а, унга қойил, ҳам ҳовлисини бинойидек саришта қилиб, ҳам салкам ярим гектар ерни гуркиратяпти...”.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Уни доим даладан топасиз

Кейин билсам, бу аёл Сожида Йўлдошева экан. У 1986 йили Қашқадарё вилояти Касби тумани Қорақўнғирот қишлоғида туғилган. Ҳозир 4 фарзанднинг онаси.

Сожида опа билан бафуржа суҳбат куриш мақсадида суриштириб-суриштириб Қорақўнғирот қишлоғига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Абборжон Холмуродов билан боғландик. У “Сожида опа бу нақа пайтда далада бўлади, иш пайтда ҳам, бўш пайтда ҳам даладан топасиз”, деди.

Аббор ака ҳақ бўлиб чиқди. Сожида опа ўз даласида экан. Кўринишидан меҳнатқашлиги сезилиб турган бу аёл 2022 йилда қишлоғидаги ерлардан 25 сотихини аукцион орқали олиб, деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Опа билан Аббор ака таништириб қўйди. Шундан кейин бу тиним билмас аёл бизни ўримга тайёр бўлиб қолган галла майдони томон бошлади.

— Шу қўриб турган ерингизда болаликдан уйнаб катта бўлганмиз, пахта терардик, сомон ийғардик, — деди опа. — Галла ўримдан бўшаган ерларда мол боқардик. Мана бу ариқларда олма, тарвуз, помидорларни ювиб ердик. Хуллас, шу қишлоқда улғайдим. Тақдиримга битилган экан, ўз қишлоғимга келин бўлдим. Мен тушган хонадон ҳам оддий оила, ҳалол меҳнат ҳисобига кун кўрар, шундай бўлса-да, қайнотам турмуш ўртоғимни университетда ўқитган эди.

Секин-секин турмушимизни йўлга қўйиб олдик. Турмуш ўртоғим педагогика йўналишини тамомлагани учун қишлоқдаги мактабга ишга кирди. У киши ҳалол инсон, қайнона-қайнотам шунақа тарбия берган. Ишига виждонан ёндашди.

Ҳаётимиз бир зайлда давом этаверди. Фарзандли бўлдик. Турмуш ўртоғим дам олиш кунлари ҳам ишлай бошлади. Мен фарзандларимиз тарбияси билан машғул эдим. Лекин оиламиз каттаргани сайин эҳтиёмимиз ҳам ортиб бораверди. Баъзида етказасак, баъзида қийналиброк қолдик. Шундай кунларда мен ҳам ишлашим керак, катта оилани боқишда қийнаётган турмуш ўртоғимга оз бўлса-да ёрдам беришим керак, деб уйлаб қолардим. Нима иш қилишни эса билмайман.

Қўлимдан келадигани — уй-рўзгор ишлари, деҳқончилик. Лекин 6 сотих ҳовлимизда деҳқончилик қилсам, ҳосили рўзгордан ортмас эди. Борган сари мана шу ўй менга тинчлик бермай юрaverди.

Бир кун қишлоғимизга ҳоким ёрдамчиси қилиб тайинланган Аббор ака уйимизга келиб, ҳўқумат қарори билан

эҳтиёмманд оилаларга ва ишсиз ёшларга ер ажратиб берилаётгани, исталган қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириб, мўмай даромад қилиш мумкинлиги ҳақида айтиб қолди. Тўғриси, кеңаси билан режалар тузиб, ухлолмадим, ҳаловатим йўқолди. Эртасигаёқ Аббор ака билан боғландик, бунинг учун нима қилиш кераклигини сурадим. Ҳўжат ишлариде ёрдам беришини айтди.



Сожида опанинг ҳикоясини тинглаб, вақт қандай ўтганини билмай қолибмиз. Кўз ўнгимизда оддий уй бекасидан бир мавсумда 40-50 миллион сўмгача фойда кўраётган тadbirkor деҳқонга айланган аёл турар эди. Яна гувоҳ бўлдикки, ҳар бир аёлнинг ичиде ўзига хос шижоат яшириши ётади, муҳими, унинг кашф этилишида.

Хурсанд бўлдим. Ахир энди оиламга даромад келтираман. Қолаверса, ёшлигимдан деҳқончилик қилиб катта бўлганман, удаллашимга қўзим етади.

Шундай қилиб, ҳўжатларни тайёрлаб, аукционда қатнашдим ва 2022 йил март ойида бизга қишлоғимиздан, уйимизга яқин сувли ерлардан 25 сотих ер ажратиб берилди.

Ушанда қанчалик хурсанд бўлганимни фақат ўзим биларман. Энди мен ҳам қайсидир маънода тadbirkor эдим-да. Шундан кейин бу ерга нима экиш ҳақида уйлай бошладим. Экин тури кўп, лекин ерга ва иқлимга мос келадиганини танлаш керак эди. Қишлоқдаги миришкор деҳқонларимиздан сўраб-сўраб, маслаҳатлашиб, сабзи экмoқчи бўлдик. Ҳисoблаб кўрсак, сабзининг уруги ҳам арзон эмас, 25 сотих ерга қарий 1 миллион сўмлик уруғ керак экан.

Яна масалага ечим излаб Аббор акага юзландим. У бу сафар ҳам биздан ўз маслаҳати ва ёрдами ямади — уруғлик давлат томонидан олиб бериладиган бўлди.

Узингиз айтинг, шунча имконият яратиб берилгандан кейин жавлон уриб ишламай бўладими?!

Хуллас, кўтаринки кайфият, зўр файрат билан ишга киришдик. Ҳамма ишни ўзим қилишга интилардим, экинзоримизни ҳеч кимга ишонмасдим. Ишдан ташқари вақтда ва дам

олиш кунлари турмуш ўртоғим ёрдам берарди.

Минг шўқри, бизга ажратилган ерда сувдан муаммо йўқ. Сув танқис бўлиб бoраётган ҳозирги даврда бундай имкониятнинг ўзи катта ютуқ. Шундай қилиб, деҳқончилигимиз гуркираб кетди. Ҳатто турли касалликларга қарши дориларни ҳам давлатдан ёрдам сифатида олдик.

Кувонганимиз, давлат фақат ернинг ўзини бериб қўйиб, қолганини ўзинг қил, демади. Камчилигимизга шерик бўлди, ёрдамини аямади. Мен фақат чин кўнгилдан ишладим.

Ийғим мавсуми бошланди. Яқинларимиз кўмаги билан эсон-омон ҳосилни йиғиштириб олдик. Сотиш ҳам муаммо бўлмади. Харидор топишда давлатимиз томонидан кўмак берилди. Ҳамма ишни жой-жойига қўйганимиздан кейин ўтириб ҳисобласак, соф 20 миллион сўм даромад қилибми!

Мен аёл киши бўла туриб, бунча пул топишим мумкинлигини тасаввур ҳам қилмасдим. Ахир олий маълумоти эмасман, аксига олиб бирор ишни бошлашга маблагимиз ҳам йўқ эди. Аввало, Худого беҳи-соқ шўқр қиларман. Ишсиз қишлоқ одамларига шунчалик имконият яратиб бoраётган давлатимиздан миннатдорман.

Шундай қилиб, омадли яқунланган мавсумдан кейин ерни ўғитлаб, дам бердик. Олинган фойданинг бир қисmini оиламиз эҳтиёмларига сарфладик, муайян қисmini кейинги йилги деҳқончилик учун асраб қўйдик. Балки 20 миллион сўм ким учундир кам туюлар, лекин ҳалол меҳнат билан топилган даромаднинг баракаси бўлади.

Энди кейинги режаларимиз ҳақида уйлай бошладим. Кўпчиликнинг маслаҳати билан бу йил уруғлик бўғдой эқдик. Ҳoқим ёрдамчиси яна қўлидан келган ёрдамини аямади. Ҳўсидан 10 миллион сўм атрофида фойда олишни кўзлаб турибмиз.

Фақат шу билан чекланиб қолмаймиз. Галладан бўшаган ерга сабзи экмoқчимиз. Аввалги йилгига қараганда яхшироқ навини суриштириб қўйдим. Худо хоҳласа, сабзининг ўзидан даромадимизни 30 миллионга етказмоқчимиз. Топган пулимизнинг бир қисmini фарзандларимиз таълим олишига сарфлаш ниятимиз бор.

Ерда барака бор, деб бежиз айтишмаган. Унга меҳр берсангиз, у сизни боқади. Ҳаммаси астойдил меҳнат қилишга боғлиқ. Биз фойда олаётганимизни қўриб, қишлоқдаги қўллаб оилалар ҳам қизиқиб қолган. Мана шу йил, эшитишимизча, яна 5-6 оилага ер берилди. Биз учун уллар сафи қанча кенгайса, шунча яхши. Одамлар даромадини оширади, ҳамма оиласи бағривда яшаб, ишлаб умргузаронлик қилади. Бу яхши-ку!

Уй бекасидан тadbirkor деҳқонга айланган аёл

Сожида опанинг ҳикоясини тинглаб, вақт қандай ўтганини билмай қолибмиз. Кўз ўнгимизда оддий уй бекасидан бир мавсумда 40-50 миллион сўмгача фойда кўраётган тadbirkor деҳқонга айланган аёл турар эди. Яна гувоҳ бўлдикки, ҳар бир аёлнинг ичиде ўзига хос шижоат яшириниб ётади, муҳими, унинг кашф этилишида. Сожида опа каби аёлларга ишонч билдириб, имконият яратиб бoраётган давлатимиздан ҳамма рози.

Одам қилган ишни одам қилади, деганлари рост экан. Асосийси, меҳнат қилишга истаги бор кишига имкон яратиб бeриш. Жамиятда барча ҳам олим ёки курувчи бўлмади, лекин ҳар кимнинг ўз қизиқиши, нимагадир қобилияти бор. Бунга Сожида опа мисол.

Сожида опага ташаккуримизни билдириб хайрлашар эканмиз, яна келишни дилга туғиб қўйдик. Опа ҳали келажакда фаолиятини янада кенгайтиришини, насиб этса, иссиқхоналарни қўриб олишга истаган бўлади. Эҳтиёмимиздан сўраб-сўраб, маслаҳатлашиб, сабзи экмoқчи бўлдик. Ҳисoблаб кўрсак, сабзининг уруги ҳам арзон эмас, 25 сотих ерга қарий 1 миллион сўмлик уруғ керак экан.

Яна масалага ечим излаб Аббор акага юзландим. У бу сафар ҳам биздан ўз маслаҳати ва ёрдами ямади — уруғлик давлат томонидан олиб бериладиган бўлди.

Узингиз айтинг, шунча имконият яратиб берилгандан кейин жавлон уриб ишламай бўладими?!

Хуллас, кўтаринки кайфият, зўр файрат билан ишга киришдик. Ҳамма ишни ўзим қилишга интилардим, экинзоримизни ҳеч кимга ишонмасдим. Ишдан ташқари вақтда ва дам

Жонибек АЛИЖОНОВ, журналист

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОТМлар томонидан талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритишга мўлжалланган kontrakt.edu.uz ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилди ҳамда синов тарзида ишга туширилиб, тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинди. У орқали тўлов шартномасини олиш учун онлайн ариза юбориш, тўлов шартномаларини онлайн тақдим этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш мумкин.

АБИТУРИЕНТ ҲАМ, ТАЛАБА ҲАМ ОВОРА БЎЛМАЙДИ



Бобур РАХИМОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири маслаҳатчиси

Бошланиш 1-бетда

Ягона таълим хизматлари портали барча ўқитиш хизматларини ўзида жамлаган платформа бўлиб, ахборот тизимлари ўртасида узаро маълумот алмашувини таъминловчи тизимларро интеграциядир. Платформада таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида қатнашиш учун онлайн ариза топшириш, тўлов шартномаларини онлайн тақдим этиш ҳамда талабалар учун қўллаб таълим хизматлари кўрсатиш имконияти яратилади. Жумладан, йилгит-қизлар академик лицей, касб-хўнар мактаблари, иккинчи мутахассислик ва магистратура босқичига кириш учун ОТМларга онлайн ҳўжат топшириши мумкин.

Таълим хизматларини кўрсатишда ортинча вақт сарфи, транспорт харажати, бюрократик тўсиқлар, қоғозбозлик ва бошқа турдаги муаммолар учраб турибди. Ушбу муаммоларга ягона ечим сифатида ягона таълим хизматлари платформасини кўрсатса бўлади. Профессионал ўқитиш муассасалари ўқувчилари ва ОТМ талабаларига электрон кўринишда хизматлар кўрсатиш куламини кенгайтириш ҳамда ягона ёндашувни таъминлаш борасида юқори самардорликка эришиш имконияти мавжуд.




Платформа орқали бир қанча хизматлардан фойдаланиши мумкин. Ҳўши жойидан маълумотнома, талаба рейтинг дафтраси, ўқув варақаси, транскрипт, бакалавр ёки магистрлик QR дипломи, электрон ID-карта ва бошқа маълумотларни юклаб олиш, талабалар турар жойи, субсидия олиш ва қайта ўқиш учун тўлов шартномага ариза юбориш, онлайн олимпиадаларда қатнашиш шулар жумласида.

Келгусида диплом маълумотларини тасдиқлаштиш учун таълим муассасасига юбориш ва бошқа имкониятларни жорий этиш кўзда тутилган. Эҳтиёмларини инобат олган ҳолда платформада янги таълим хизматлари босқичма-босқич ишга тушириб бoрилади. Бундан ташқари, коллеж, техникум ва ОТМларда таълим олаётган талабалар учун тўлов шартномалари онлайн тақдим этилади.

Ягона таълим хизматлари портали — my.edu.uz бизга нима бeради? Платформани жорий этиб, мавжуд хизматларни кенгайтириш ва янги хизматларни йўлга қўйиш орқали фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мумкин. Шунингдек, вазирилик, таълим муассасаси ва талаба ўртасидаги мулоқот оsonлашади.

Ўқишга доир ҳамма муаммо бир платформа орқали ҳал этилади



Ҳар бир ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёни бошқа ахборот тизимлари билан интеграцияни талаб этади. Ягона таълим хизматлари портали вазирилик ва идораларнинг қатор ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинади. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри, “Аёллар дафтари”, Транспорт, Мактабгача ва мактаб таълими, Ички ишлар, Иқтисодиёт ва молия вазириликлари ахборот тизими, ФХДЁ, “Эл-юрт умиди” жамғармаси маълумотлар базалари, “Ягона миллий меҳнат тизими”, “Темир дафтар”, васийлик ёки ҳoқимликка олинган болалар, тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар, ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласида.

Интеграция қилиш натижасида ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳолатини автоматик равишда аниқлаш мумкин бўлади. Шу билан бирга, платформа имкониятини кенгайтириш мақсадида келгусида уни бошқа ахборот тизимлари билан уйғунлаштириш режалаштирилган.

Тадқиқотчилар учун давлат илмий дастурлари доирасида эълон қилинадиган танловларда қатнашиш учун my.edu.uz платформаси орқали ариза топшириш, стартап танловларда иштирок этиш имконини бeради. Шунингдек, ёш тадқиқотчилар чет элдаги нуфузли илмий муассасаларда қисқа муддатли стажировка ўташ учун ариза топшириши мумкин.

Шу билан бирга, интеграциядан кейин мазкур ахборот тизими фойдаланувчиларининг илмий фаолиятга оид маълумотлари шакллантирилади. Мазкур ахборотларнинг илмий-техник маълумотлар ахборот-таҳлил тизимида шаклланиши натижасида ҳудудлар бўйича илмий ва инновацияни фаолият харитаси ҳамда натижадорлиги хусусида аввалдан муайян ҳулоса пайдо бўлади.

Талабалар учун ўқув жараёнини рақамлаштириш мақсадида “Олий таълим жараёнларини бошқариш — NEMIS” ахборот тизимининг мобил иловалари ва телеграм боти ишлаб чиқилган. Ушбу мобил илова ва телеграм бот орқали дарс ва назорат жадваллари, фан ресурслари, ўзлаштириш кўрсаткичлари, даволат ва шу каби бошқа маълумотлардан исталган вақтда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, талабалар дарс ва имтиҳон бошланиши вақти тўғрисида доимий равишда СМС хабар орқали огоҳлантириб бoрилади. Талаба ID гувоҳномасини электронлаштириш ҳамда сақлаши ҳамда исталган жойда QR-код орқали талабаларнинг тасдиқлаши, рейтинг дафтраси, ўқиш жойидан маълумотнома, ўқув варақаси ва бошқа тегишли ҳўжатларни юклаб олиши, фанлардан қарздорлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиши, фанлар бўйича бажарилган топшириқларни тизимга юклаши мумкин.

ОТМлар томонидан талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритишга мўлжалланган kontrakt.edu.uz ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилди ҳамда синов тарзида ишга туширилиб, тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинди. У орқали тўлов шартномасини олиш учун онлайн ариза юбориш, тўлов шартномаларини онлайн тақдим этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш мумкин.

Республика олимпиадаларини ўтказиш жараёнини рақамлаштириш мақсадида oлимпиада.edu.uz платформаси ишлаб чиқилди. Талабалар ушбу платформа орқали рўйхатдан ўтган ҳолда фанлардан онлайн тест ечади.

Шу кунгача иқтидорли талабалар давлат ва номдор стипендиялар танловига қатнашиш учун уюқлари ва мақолалари тўғрисидаги ҳўжатларни қоғоз кўринишида олий таълим муассасалари ва тегишли вазирилик ва идораларга тақдим этган. Бу эса талабалар учун бир қанча нуқуллайликлар келтириб чиқарган ҳамда ариза ҳолатини кузатиш имконияти мавжуд бўлмаган. Ушбу муаммоларни бартараф этишда stipendiya.edu.uz давлат ва номдор давлат стипендиялари танловига қатнашиш учун ариза ва ҳўжат топшириш ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Жисмоний шахслар томонидан олий, ўрта махсус ва профессионал таълим, олий таълимдан кейинги таълим, билим ва малакаларни баҳолаш йўналишида ҳамда илм-фан ва инновация соҳасига оид масалалар бўйича тақлифларни киритиш, фикр билдириш имконини берувчи мулоқот портали — taklif.edu.uz ишлаб чиқилганини ҳам айтиш жоиз. Бу портал орқали олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ҳамда илм-фан соҳасига оид ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилигининг мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган фикр ва тақлиф-мулоҳазаларини ўрганиш мумкин.

Қисқаси, рақамлаштириш жараёни олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ҳамда фан ва инновациялар соҳаларини модернизация қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, жараён изчил давом эттирилмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида илмий тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш учун келгусида бир қанча ахборот тизимлари билан интеграция кўзда тутилган. Хусусан, “Давлат илмий дастурлари учун ягона ақлли электрон платтасини кўрсатса бўлади. Профессионал ўқитиш муассасалари ўқувчилари ва ОТМ талабаларига электрон кўринишда хизматлар кўрсатиш куламини кенгайтириш ҳамда ягона ёндашувни таъминлаш борасида юқори самардорликка эришиш имконияти мавжуд.


Платформа орқали бир қанча хизматлардан фойдаланиши мумкин. Ҳўши жойидан маълумотнома, талаба рейтинг дафтраси, ўқув варақаси, транскрипт, бакалавр ёки магистрлик QR дипломи, электрон ID-карта ва бошқа маълумотларни юклаб олиш, талабалар турар жойи, субсидия олиш ва қайта ўқиш учун тўлов шартномага ариза юбориш, онлайн олимпиадаларда қатнашиш шулар жумласида.

Келгусида диплом маълумотларини тасдиқлаштиш учун таълим муассасасига юбориш ва бошқа имкониятларни жорий этиш кўзда тутилган. Эҳтиёмларини инобат олган ҳолда платформада янги таълим хизматлари босқичма-босқич ишга тушириб бoрилади. Бундан ташқари, коллеж, техникум ва ОТМларда таълим олаётган талабалар учун тўлов шартномалари онлайн тақдим этилади.


Ягона таълим хизматлари портали — my.edu.uz бизга нима бeради? Платформани жорий этиб, мавжуд хизматларни кенгайтириш ва янги хизматларни йўлга қўйиш орқали фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мумкин. Шунингдек, вазирилик, таълим муассасаси ва талаба ўртасидаги мулоқот оsonлашади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



www.yuz.uz



yuz.uznews

yuz_official

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзлар ешноати

ЖАМ БЎЛГАН ОЛТИН САНДИҚ

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” қандай мезонларга кўра нашр этилди?



Бошланиши 1-бетда

Яқинда Фанлар академиясида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида илк бор чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китоби тақдими жараёнида тилимиз тарихи билан боғлиқ мана шу воқеликлар ва саволлар кўнглимиздан ўтди. Янги нашр қандай мезонларга кўра амалга оширилди? Бой ва гузал тилимизнинг сўз сандиги қайси манбалар асосида тўлдирилди? Аини саволлар билан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти директори, филология фанлари доктори Низомидин МАҲМУДОВга муносабат қилдик.

— Устоз, маълумки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” илк бор 1981 йилда икки жилда, сўнгра 2006-2008 йилларда беш жилда чоп этилган. Суҳбатимиз аввалода мазкур тарихий изланишлар ва нашр жараёнида төр тўққан тилшунос олимлар, асосланган мезонлар ҳақида айтиб ўтсангиз...

— “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 1981 йилда икки жилда 43 минг нусхада нашр этилган. У ўзбек тилидаги 60 минг сўз ва сўз бирикмасини ўз ичига олган бўлиб, таниқли мутахассис Зокир Маъруфов таҳрири остида чоп этилган. Луғатни тузишда С.Ақобиров, С.Иброҳимов, М.Миртоқиев, А.Рустамов, А.Хужабонов, А.Ҳожиёв каби ўнгла яқин пешқадам тилшунос иштирок этган. Аммо бугун таассуф билан таъкидлаш мумкинки, ўша даврда ҳукмрон бўлган қаттол сивасат кўплаб маданий-миллий, маърифий-диний ва шу каби миллат менталитетига хос қабарик тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг луғатдан жой олишига ва ҳолис ҳамда рост тавсифланишига изи бермаган. Шунинг учун ҳам мазкур луғатда русча-байналмилал сўзларнинг беҳад кўплиги, унда ўзбек тили бойлигининг етарли даражада акс этмаганлиги кейинчалик китобхонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган. Чиндан ҳам, бу эътирозларда ҳақиқат бор эди. Миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг магзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодаладиган, масалан, *ажр, азиз-авлиё, ворисчилик, маънавият, миллатпарвар, қадрият* каби бир қанча сўзларга мазкур луғатда жой топилмаган эди. Айтиш кераки, *маънавият* сўзининг том муқобили анча-мунча ривожланган тилларда йўқ. Бир француз актрисига турмушга чиқиб, французча кетган рус актрисаси Елена Сафонова “Аргументи и факти” газетасига (1997 йил, июль) берган интервьюсида француз тилида *маънавият* (“духовность”) сўзига айнан муқобил бўлган сўз ва тушунча йўқлигидан ҳайратта тушганини айтади. У эри билан бирга шундай тушунчани қидиради. Французча “*спиритюэль*” сўзи айнан бу маънони беролмайди. Елена эрига бу тушунчани таърифлайди: “Ички дунёси бой, покиза, ҳаёсиз эмас”. Эр айтиди: “Бу яхши одам”. Елена давом этади: “Бу одам яна ижодий қобилиятга ҳам эга бўлса-чи?” “Унда у жуда ҳам яхши одам бўлади”, — дейди эр... Ўзбек тилидаги бу каби сох сўзлар мазкур луғатдан ташқаридан қолган эди. Шубҳасизки, бу ҳол луғат тузувчилар илмий салоҳиятининг етарли бўлмаганидан эмас, балки миллий ўзлик идрокнинг ўзагини ўстирмаслик пайдидан бўлган, миллий маънавият мубозанатини бузишга йўналтирилган, бутун ҳудудларда ягона бир илмий тилни жорий этишни ҳаёл қилган сохта сивасатнинг натижаси эканлиги бугун аён...

Табиики, ҳалқимизнинг асрий орзулари ушалаб, мамлакатимизнинг мустақиллик деган муборак нёъматга эришуви, ўзбек тилига давлат тили мактамининг берилиши, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг

қабул қилиниши ўзбек тили тараққийотидаги ва тил сивасатидаги муллоқо янги даврни бошлаб берди. Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарорига илова қилинган Давлат дастурига мувофиқ, ўзбек тилининг давр талабига жавоб берадиган кўп жилдлик изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш вазифаси белгиланди. Институтимиз тилшунослари томонидан тайёрланган 5 жилдлик, 80 мингга яқин сўз ва сўз бирикмасини ўз ичига олган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2006-2008 йилларда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётида босмадан чиқди. Айтиш жоизки, бу луғатда 1981 йилда нашр этилган икки жилдлик изоҳли луғат материалларидан маълум даражада фойдаланилган бўлса-да, у икки жилдлик луғатнинг тўлдирилган ёки қандайдир ўзгаришлар билан қайта ишланган шакли эмас, балки луғатчиликнинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда давр тили манзарасини ҳолис кўрсатиш мақсади билан яратилган муллоқо янги луғатдир. Бу луғатнинг тузилган иккинчи наشري 2020 йилда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётида яна босмадан чиққан.

Алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда давлат тилини янада ривожлантириш борасидаги ишлар салмоғи ва қўлими янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан баён қилинган кўрсатмалар бу борада янги давр бошланганининг шаҳодатидир. 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сивасатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони билан тасдиқланган дастур ижроси доирасида институтимиз олимлари томонидан тайёрланган 6 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Фахур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйда нашрдан чиқди. **80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси** изоҳини ўз ичига олган **мазкур луғат лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги дастлабки нашри**ди. Луғат луғатчилигимиз ривожига жиддий ҳиссаларини қўшган таниқли тилшунослар Абдувахоб Мадвалиев ва Дурдона Худойберганова масъул муҳаррирлик қилган. Уни тақомиллаштириш, тўлдириниш, кенгайтиришда институтнинг тил йўналишидаги деярли барча ходимлари иштирок этган.

Табий равишда асосий эътибор луғатнинг аввалиги нашрига кирмаган луғавий бирикмаларни, муйайн сўзлар доирасида пайдо бўлган янги маъноларни аниқлаш, уларни луғат таркибига киришти, маънолар тавсифини янада расолаш, луғат материали кўламини кенгайтиришга қаратилган. Шубҳасизки, бундай улкан ва шарофли ишни меъёрига етказиб урдалашда жамоамиз аъзоларининг луғатчилик тарихидан,



“Айни пайтда ўзбек-лотин ёзувида тўлдирилган, кенгайтирилган “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати”, “Иш юритиш атамаларининг изоҳли луғати”, “Социоллингвистика терминларининг изоҳли луғати”, “Замонавий тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” устида иш олиб борилмоқда.

унинг мураккаб сир синаотларидан етарли даражада бохабарлиги, илмий тажрибаси, ҳамжихатлиги, яқин ҳамкорлиги, муҳими, катта ният ижобати учун мунтазам масъулиятни ҳал қилувчи олим бўлди.

— “Чортоқ туманининг Пешқўрғон қишлоғида пишган меваси қизил-қора рангда бўладиган дарахтин олвали деб аташади. Олвалнинг ёнида пишган меваси сарик-қизғиш тусли олча дарахти ҳам ўсади. Кўплаб ҳаққишқорларимиз ҳовлисида олвали ва олча билан бирга пишган меваси қизил рангли ва катталиги ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган олхўри дарахти ҳам бор. Бошқача айтганда олвали — олча ва олхўридан муллоқо фарқланувчи дарахт. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “олвали”нинг маъноси “олча ёки олхўри” деб кўрсатилган. Ўзи “олвали”. У қандай қилиб яна “олча” ёки “олхўри” бўлиб қолади? Изоҳли луғатда бундай чалқашиклар анчагина...”, дейди таниқли журналист ва адабиётшунос Мухаммад Вали “Ўзбек тилининг изоҳли луғати тўлдирилиши зарур” номли мақоласида. Дарҳақиқат, ўзбек тили шеваларида изоҳли луғатдан ўрин олиши лозим бўлган сўзларимиз сероб...

— Менимча, *олвали* (ёки *олвали*) сўзининг шевага оидлиги ҳақиқат ва шеваларда “олча”, “олхўри” маъносига қўллангани ҳам бор гап. Бу сўз фақат Наманган шевасида эмас, бошқа, хусусан, Самарқанд томонлари ҳам қўланади. Яқинда шевалар лингвокультурологияси борасида жиддий тадқиқот олиб бораётган иқтидорли тилшунос, институтимизнинг катта илмий ходими Феруза Мусаеванинг “Ўзбек халқ сўзлари” номли анчанин салмоқли китоби нашрдан чиқди, унда мазкур сўз ҳам “олча” маъносига қайд этилган. Ҳар ҳолда изоҳли луғатда бу сўзнинг мазкур маъноларида тавсифланишида маълум даражада асос мавжуд...

Тўғри таъкидлаганингиздек, “Ўзбек тили шеваларида изоҳли луғатдан ўрин олиши лозим бўлган сўзларимиз сероб”. Шубҳасизки, халқ тили — шевалар тилимизнинг бойиб бориши учун жиддий манбалардан бири. Халқ тилида адабий тилда бўлмаган кўплаб сўз ва иборалар мавжуд. Уларнинг адабий тилга ўтишида сўз санъаткорларининг ҳам хизматлари беқиёс. Ўзбекистонда туркий тилнинг уч буюк тармоғи, яъни қарлук, қипчоқ ва ўғуз шевалари вақиллари яшайди. Юртимизнинг бир ҳудудда деҳқончилик, хунармандчилик, бошқасида чорвачилик, яна бошқасида балиқчилик каби соҳалар яхши ривожланган. Бу соҳаларга оид адабий тилда ҳозирча йўқ бўлган сўзларни ана шу ҳудудлардан излаган маъқул. Таомшунос олим, марҳум Карим Маҳмудов хотираларидан бирида шундай воқеани хикоя қилган эди: олим бир таомнинг тайёрланиш тартибини ёзиб, зукко сўз синчиси Абдулла Қаҳҳорга кўрсатади. Ундаги *иқра* сўзини кўрган ёзувчи: “Бунинг ўзбекчаси йўқми?” деб сўрайди. Олим: “Балиқнинг руғи деса бўлади”, дейди. Сўзнинг ичу ташини бараваар кўра оладиган адиб: “Нима, сизга балиқ ўсимлими?” дейди ачиқлапаник. “Бўлмаса, балиқнинг туҳуми бўлсин”, деб жавоб беради олим изланган бўлиб. Ёзувчи: “Балиқ товуқ эмас”, дейди ва халқда алоҳида сўз борлигини айтиди... Олим сафарларидан бирида Хоразмда бу сўзни эшитди, у ерда *уевдирлик* дейларкан. Бу сўз изоҳли луғатларимиздан ўз жойини олган. Халқ шеваларидан, аини пайтда ўзбек тилининг ўз ҳолис ясалши имкониятларидан фойдаланиб иш қурилса, тилимизнинг табиий тақомилни таъминламоқ мумкин бўлади.

— Қадимги хитой ва япон адабиёти бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган академик Николай Конрад утган асрнинг 60-йилларида ёзган мақолаларидан бирида хитой ва япон адабий тили халқнинг жонли сўзлашуви асосида шаклланигани

ни айтиб ўтган экан. Лекин биз кўпинча адабий тил меъёрлари ҳақида гапирганимизда шеваларга “ўғай” муносабатда бўлишга интиламиз. Ахир халқимиз неча асрлардан бери асраб келган бу сўзларда ўзлимиз, миллий илдизларимиз аён бўлади-ку! Бу сафар шундай “жонли сўзлар” адабий асарлар ва халқ тилидан олиниб, изоҳли луғатларга жойлашга ҳаракат қилинган қувонарлик...

— Албатта, бу саъй-ҳаракатлар беҳад керакли ва ўринли иш, шевалар адабий тили бойитиб боришининг зарбаст замани ва туганмас захираларидир. Халқ тилининг тирлик ва теран томилари бўлиши шеваларга “ўғай” муносабат муллоқо янглиш йўсинлардир. Таниқли рус японшуноси Вадим Алпатовнинг қайд этишича, Японияда таълим тизимида япон тилини ўқитиш баробарида, айниқса, Токио, Огайо каби катта шаҳарлардаги мактабларнинг бошланғич синфларида япон тили шеваларининг ўзига хосликлари ҳам ўргатилар экан. Чунки шеваларнинг катта шаҳарларда йўқолиш хавфи кўпроқ экан. Адабий тилнинг зимну заманини ташкил этадиган шеваларга бўлган муносабат ана шундай фавқуллода эътиборга муҳтож беҳад муҳташам миллий бойлиқдир.

— Илм-фаннинг барча соҳалари бўйича давр талабига жавоб берадиган терминологик тизимларни яратиш ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб келган. Шу билан бирга, уларни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб, катта куч талаб қиладиган иш эканлиги ҳам шубҳасиз. Аини пайтда ҳар бир соҳага оид терминларни тўла қамраб олган изоҳли махсус луғатларни тузиш ва нашр этиш ишлари бир оз оқсатгандек...

— Ҳар қандай фан терминологиясининг мукамал ривожлангани шу фаннинг тараққийоти ва юксаклик даражасини белгилайди, аини пайтда терминология фанининг алифбоси ва мунтазам қуролдир. Изоҳли терминологик луғатларни тузиш ва нашр этиш ишлари оқсатилган ҳам бор гап. Шунинг учун ҳам бу борадаги ишлар тўбдан яхшилангани учун мамлакатимизда тегишли дастурлар қабул қилинмоқда. Давлат тилини ривожлантириш билан боғлиқ аксарият расмий ҳужжатларда турли фан ва соҳаларга оид терминологик изоҳли ва таржима луғатларини тузиш, нашр қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, бу бениҳоят долзарб вазифаларини жадал ҳал этишда турли фан-соҳа мутахассислари билан тилшуносларнинг яқин ҳамкорлиги ҳар қанонидан ҳам муҳим.

Шу ўринда муштақиллик даври лексикографиясида лингвистик характердаги бир неча луғатлар тузилганини айтиб ўтмоқчиман. Бундай луғатлар сирасида Азим Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (Тошкент, 2002) жуда муҳим. Унда ўзбек тилшунослигида қўлланадиган 1700 га яқин терминнинг маъноси тушунтирилган. Кейинроқ бу луғат Н.Маҳкамов ва И.Эрматовнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (Тошкент, 2013)нинг юзага келишига замин ҳозирлади ва шу тарзда мутахассислар учун ҳам, мактаб ўқувчилари учун ҳам муҳим манба пайдо бўлди.

Вақт тўхтаб турмаганидек, фан ҳам бир жойда қотиб қолмайди. Фаннинг ривожини янги-янги луғатларни тузишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан Д.Худойберганованинг “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (Тошкент, 2015), А.Мадвалиев ва ҳаммуаллифларнинг “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати” (Тошкент, 2020), Р.Шукуровнинг сўз вариантлари бағишланган “Ўқув луғати” (Тошкент, 2020), Нафиса Садинованинг “Иш юритиш терминларининг қисқача изоҳли луғати” (Тошкент, 2020), Н.Маҳмудов, Ш.Кучимов ва Н.Шарипованинг “Юридик терминларнинг русча-ўзбекча луғати” (Тошкент, 2021)ни соҳавий лексикографиянинг жиддий ютуғи сифатида баҳолаша бўлади.

Аини пайтда ўзбек-лотин ёзувида тўлдирилган, кенгайтирилган “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати”, “Иш юритиш атамаларининг изоҳли луғати”, “Социоллингвистика терминларининг изоҳли луғати”, “Замонавий тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” устида иш олиб борилмоқда.

— Янги нашр тақдимида луғатга Ўзбекистоннинг наботот ва ҳайвонот олами дахлдор кўплаб ном-сўзлар киририлгани алоҳида таъкидлаб ўтилди...

— Кўп жилдлик янги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ўсимлик ва ҳайвонларнинг халқона номларидан 500 га яқин янги сўз киритилди. Масалан, тоғқиёқ, тоғқиёқ, тоғтол, тоғтурбид, тоғзира, тошбақаўт, қарғақўз, қарғаёқ, қатранги, қорақўрпа, қорақилтириқ, кўксақич, кўктерак каби ўсимликлар оламига тегишли сўзлар олдинда улар бадий асарлардан иллюстратив мисоллар билан далилланди.

Наъматка сўзининг эса бир неча шевада қўлланадиган вариантлари: гулбута, ажина-бута, боғтул, хулпўл (хулпул) бош сўз сифатида киритилди. Масалан, Ҳалима Ахмедованинг “Машрабнинг хуржун” номли бадийсида шундай келтирилади: “Мен эса ҳовлимиз ичидан гулбутадан ҳар кунни тиллақўнғиз ушламан ва кўзимни чирт юмиб, уларнинг бўйинини узиб, ундан маржон жасаман...”

Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёҳуд Фулстонга сафар” номли ҳикоясида наъматка сўзи мана бундай қўллангани эътиборга олиш: “Қаерда ажинабута бўлса, чет-чакалак, овлоқ жойларда, пахтазорлардаги эгасиз шийпонларда, ҳатто қишлоқларнинг ичидан одам турмайдиган чолдеворларда ҳам бу кософат бисёр учраб турган”.

Шунингдек, ҳайвонот оламига тегишли русчадан ўзланган сўзларнинг ҳам халқона вариантлари олдинда. Масалан, қалқонбалиқ деб номланган икки кўзи бошининг бир томонида бўлган ялпоқ денгиз балиғи шу пайтгача луғатларда қайд этилмаган экан. Марказий газеталарнинг бирида бу ҳақида мана бундай маълумот топилди: “Орол денгизининг ҳар бир литрида 1960-йилларда 10-12 грамм туз бўлган. Сув таркиби ўзгаргач, маҳаллий балиқлар кириб кетгани сабабли унга қалқонбалиқ сингари ҳар хил океан балиқлари олиб келинди”.

Холдор Вулқоннинг “Айрилик” номли шеърисида мана бундай мисралар бор экан: “Шамолда чайқалган қамшига кўнуб, Жуктини ахтариб кўктароқ сайраб...”. Чумқудан йирикқоқ, боши қатта, бўйини ва оёқлари калта, узун тўғри тумшукли бу қўш ҳам сафар луғатдан ўрин олди.

Ёзувчи Тоғай Мурод эса “От қишган оқшош” асаридан “Шабалда (от пашша) бингақ илмишдай захар ниб бўлади”, дейди. Бингақ, яъни кўк тусли ари ҳам ёзувчининг ушбу асаридан қайд этилган боис, уни луғатга киритдик.

Ёзувчи Мухаммад Шарифнинг “Толқун” асарини ўқиган бўлсангиз, қозоноғвич номли хашаротга мана бундай таъриф бериб ўтган: “Сув юзасида суздиган, узун оёқли хашарот. Қозоноғвич узидан икки баробар узун оёқларини сув юзига тираган ҳолда қириллаб учаётганга ўхшайди, шу сабаб баъзилар уни унда, бошқалар эса суздаи дейди...”

Бу жараёнда соҳа мутахассислари билан тилшунос-луғатчиларнинг жиддий ва яқин ҳамкорлиги ҳамма зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Аини давримиз билан боғлиқ бир қизик ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бугунги кунда чоп этилаётган баъзи газета ва журналлар таҳририятларида бир галати қонда юзага келган: “Биз маълум бир сўзларнинг қандай ёзилишини ўзимиз келишиб олганмиз. Бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмаймиз”. Ахир ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таъкидлаганидек, йил ҳаракатини бузган йўловчини миллионер ҳуштагини қалиб тартибга қақиргани каби тил қонун-қоидаларини бузган одамга ҳам қимдир ёки қайсиқидир ташкилот дақиқи бериши, огоҳлантириши керак эмасми?!

— Менимча, даққилар, дашнолар билан иш битмайди. Умумий маданий-илмий савия даражасининг тиргаларни яна шу луғатлардан. Яқинда янги анчанин тўла “Ўзбек тилининг имло луғати” нашрдан чиқди, унинг ўқув варианты ҳам нашрга тайёрланган. Аслида, изоҳли луғатнинг ўзи ҳам аини пайтда имловий саводхонлик учун ҳам хизмат қилади. Зотан, изоҳли луғат — сўзларни сурати, сийрати ва бутун сивасати билан саломат сақлайдиган олтин сандиқ, десак муболага бўлмайди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

— Кўп жилдлик янги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ўсимлик ва ҳайвонларнинг халқона номларидан 500 га яқин янги сўз киритилди. Масалан, тоғқиёқ, тоғқиёқ, тоғтол, тоғтурбид, тоғзира, тошбақаўт, қарғақўз, қарғаёқ, қатранги, қорақўрпа, қорақилтириқ, кўксақич, кўктерак каби ўсимликлар оламига тегишли сўзлар олдинда улар бадий асарлардан иллюстратив мисоллар билан далилланди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер мактабида сақлаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 41011 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турок кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳач: Рашид Хужамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 21:40 Топширилди — 22:40